O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2005 йил 17 июнь

№ 25 (521)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

14-15 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар, даставвал, Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Шундан сўнг молия вазири С. Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги ва 2005 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан қўшимча маъруза билан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов сўзга чиқди.

Маърузачилар берилган саволларга муфассал жавоб қайтардилар. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган атрофлича, чуқур ва батафсил муҳокамадан кейин депутатлар мамлакат Давлат бюджетининг 2004 йилдаги ва 2005 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов иккинчи ўқишда киритилган "Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Моддамамодда ўтказилган муҳокама ва овоз беришдан кейин қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев тақдим этди. Депутатлар муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини муҳокама қилиб, тасдиқладилар.



Абдураим Дўстмуродов кўп йиллардан бери Сурхондарё вилоятининг Музробот туманидаги "Олтин йўл — МАН" фермер хўжалигини муваффақиятли бошқариб, ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Айни кунларда ғалла ўрим-йиғимини пухта ташкил этган тажрибали фермер 28 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 60 центнеридан ошириб ҳирмон кўтарди.

Суратда: моҳир фермер Абдураим Дўстмуродов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим;

зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда "Ҳакамлар суди тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги қарорларнинг лойиҳаларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тақдим этсин:

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон-Россия: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК - АМАЛДА

Ўтган йилнинг июнь ойи Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим воқеаларга бой бўлди. Мамлакатимиз Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарларига мезбонлик қилди. Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммити бўлиб ўтди.

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномага имзо чекканига бир йил тўлади. Бу шартнома Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатлари йўлида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилгандир. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда — сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий йўналишларда муносабатларни яқин шериклик даражасига кўтариш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Эндиликда Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро хавфсизликни таъминлаш, халқаро террорчилик ва халқаро миқёсдаги турли бошқа таҳдидларга қарши туриш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қўшма саъй-ҳаракатлари, ҳамжиҳатлиги расмийлаштирилган. Шартнома икки мамлакатнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини ҳам кўзда тутади.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доираси ҳарбий мақсаддаги маҳсулотларни етказиб бериш, ҳарбий техникани замонавийлаштириш, кадрлар тайёрлаш, қўшма ҳарбий машқлар ўтказиш, давлатлараро фазони тадқиқ этиш дастурларини ишлаб чиқиш масалаларини қамрайди.

Шартномада савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

Фракция фаолияти

ҚИЗҒИН МУҲОКОМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида бўлиб ўтган бу галги йиғилиш Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган масалаларнинг муҳокамасига бағишланди. Уни мазкур фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарди.

Йиғилишда биринчи масала, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги ва жорий йилнинг 1-чорагидаги ижроси юзасидан Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов маъруза қилди. Шундан сўнг депутатлар Ю.Нишонов, И.Саифназаров ва бошқалар бюджет ижросини маъқуллаб, унга таалуқли ўз фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Жойларда сайловчилардан тушган қатор саволларга маърузачидан тегишли жавоб олишди.

Шунингдек, фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши юзасидан муҳокама қилинган масалаларга депутатларнинг чуқур ёндошганлиги кўзга ташланди. Улар коммунал тўловлар ва пенсия таъминоти бўйича партия фракцияси томонидан ишлаб чиқилган таклифларни қўллаб-қувватлаб, маъқуллладилар. Шу билан бирга йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси қонуни лойиҳаси бўйича ҳам фракциянинг нуқтаи-назари белгилаб олинди.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон ҳукумати томонидан Андижондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Бош прокуратура ва Андижонда содир этилган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлис комиссияси вакилларининг мазкур гуруҳнинг биринчи йиғилишида баён этган маълумотлари юзасидан фикр алмашдилар.

Йиғилишда ишчи гуруҳи фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар билдирилди ҳамда унинг июнь ойига мўлжалланган иш режаси маъқулланди.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг фикрича, олиб борилаётган текшириш ишларининг парламент ва дипломатик корпуснинг икки мустақил комиссиялари томонидан мониторинг қилиниши Андижон воқеаларига холисона ёндашиш ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг ҳаракатларига тўлиқ ҳуқуқий баҳо бериш имконини яратади.

Илгари хабар қилинганидек, мазкур гуруҳ ишида Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Покистон, Россия ва қўшни мамлакатлар дипломатик миссияларининг вакиллари иштирок этмоқда.

(ЎзА).

ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Андижон Давлат университетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Университет — Фарғона водийсидаги кўҳна ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Бу ерда 11 минг талаба таҳсил олади. Улар орасида кўпгина таниқли спортчилар, Олимпия ўйинлари, жаҳон биринчиликлари, қитъа ва Марказий Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бор.

Маросимда сўзга чиққан университет ректори Сирожиддин Зайнобиддинов давлатимиз раҳбарининг 13 май воқеаларига баҳо берилган китоби ҳақида гапириб, ёшларнинг онги ва қалби учун мафкуравий, ахборот ҳужуми авж олган бугунги кунда маънавий тарбиянинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мураккаб ва хавфли вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини кўрсатиб берди.

13 май куниёқ у Андижонга етиб келиб, бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. У андижонликлар, бутун Ўзбекистон халқи, демократик, эркин жамият қурилишини давом эттирадиган ёш авлоднинг тақдири ва хавфсизлигини ўйлаб иш тутди. Кўп раҳбарлар сингари пойтахтдан чиқмай, қарор қабул қилиш ҳам мумкин эди. Аммо Президентимиз фожиали воқеалар рўй берган шаҳарга келиб, вазиятни тезда ҳал этиш учун зарур чоралар кўрди. Оғир соатларда у орамизда, халқ ичида бўлди. У халқига бўлган садоқатини шахсан исботлаб берди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан талабалар террорчиларнинг ҳаракатларини қатъий қоралади.

— Ўша оғир дамларда ота-онам билан бир қаторда ҳурматли Президентимиз ҳам менинг омонлигим тўғрисида ўйлашига ўзим амин бўлдим, — деди биология факультети 4-курс талабаси Маҳбуба Камолова. — У киши биз, ёшларга оталарча ғамхўрлик қилмоқда ва бу қалбимизни ишонч ҳисси билан тўлдирмоқда.

— Зафар ҳалол ва очиқ курашда қозонилади, бегуноҳ одамларни пана қилиб эмас. Тун қоронғусида беркиниб, орқадан ҳужум қилиш фақат қўрқоқ ва хоинларнинг иши, — миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Зоҳид Жумақуловнинг фикри шундай.

— 13 май воқеалари ҳар биримиз учун сабоқ бўлди, — дейди тарих факультети магистранти Ботир Тожибоев. — Истиқлолнинг келажаги маънавий қудратимиз, қатъиятимиз ва олган билимларимиз, дунёқарашимизга боғлиқ эканини яна бир карра ҳис этдик.

Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китобининг тақдимоти Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида, вилоятнинг бошқа олий ўқув юртлари ва муассасаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Саид ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Партия ҳаёти

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Шу йил 10 май куни "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова ва фракция аъзоси Юсиф Нишоновлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Тошкентдаги маркази раҳбари Мирослов Енча ва унинг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Мари Карин фон Гумпенберг билан учрашдилар.

Ўзаро дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятига қизиқишаётганликларини билдиришиб, партия ҳаёти билан яқиндан танишиш истагида эканликларини изҳор этишди. Шу сабабли мулоқот давомида "Адолат" СДП фаолиятига оид масалалар ва партиянинг парламент фракциясидаги ишларига катта эътибор берилди.

Шунингдек, суҳбатда Андижон воқеаларига оид масалалар ҳам тилга олинди. Мирослав Енча бўлиб ўтган воқеалар муносабати билан "Адолат" СДП ва унинг Олий Мажлисдаги фракцияси қанқалбида муҳрланиб қолди. Бўлиб ўтган воқеа кўзимизни очди ва биз сиёсий партияларнинг олдига янада кўпроқ вазифалар қўйди. Энди биз эришаётган ютуқларимиз билан чекланиб қолмай, партиямиз Дастурида белгиланган вазифалар ва ишларимизни янада изчил амалга оширишимиз керак. Яъни, Дастурга таяниб янада кўпроқ иш олиб бормоғимиз, тинчликни асраш йўлида халқ ичига кириб, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътиборни қаратишимиз лозим.

Биз Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг партия фаоллари билан кенгайтирилган йиғилишида қўйидаги қарорни қабул қилдик:

1. Социал-демократиянинг асосий ғояларидан бўлмиш — Бирдамлик ғоясидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бутун куч ва салоҳиятини Ўзбекистон халқи, миллатини юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун бирлаштиришга, бирдамлик ва аҳиллик тамойилларини таъминлашга қаратади.

2. Партия кенг жамоатчилик, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликда ёшлар ва аёлларни, барча фуқароларни турли хатарли оқимларга қўшилиб кетишдан асраш, уларни ёт ғоялар таъсиридан сақлаб қолиш учун курашади.

3. Партия ўзининг барча аъзоларини, фаолларини, хайрихоҳларини ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризм ғояларига қарши курашда Юртбошимиз атрофида жипслашиб эркин фуқаролик жамиятини қуришда, демократия ва адолат тамойилларини қарор топтиришда маънавий-маърифий ишларни жонлантиришга даъват этади. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди!

Учрашув сўнгида жаноб Мирослав Енча Ўзбекистон "Адолат" СДП билан ўзаро ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириш таклифи билан чиқди. Партия фракцияси вакиллари бу таклифни қўллаб қувватлашди.

Каримжон РИХСИЕВ, "Адолат" мухбири

● «Адолат» СДП фаолиятидан

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Солиқ академияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш — принципиал муҳим устувор вазифа» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясини ташкил этди.

Конференцияда Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадоев «Ҳозирги шароитда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Каэ Янагисава «Солиқ мутаҳассисларини тайёрлаш: Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги» мавзусида маъруза билан чиқишди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедованинг «Солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш ва солиқ юкини енгиллаштириш - тадбиркорлик муваффақиятининг гаровидир» деб номланган маърузаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Тошмуродов, Адлия вазирининг ўринбосари Е.Канязов, Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Ш.Абулқосимов, «Файз» холдинг компанияси бошқаруви раиси М.Азимова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири Н.Хайдаровлар илмий-амалий конференциянинг кун тартибидаги асосий масала юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилдилар.

Конференция ишида кўплаб ҳуқуқшуносслар, иқтисодчилар, тадбиркорлар ва бошқа мутахассислар иштирок этди.

ДАВРА СУҲБАТИ

«Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгашининг ташаббуси билан Урганч шаҳрининг 16 ва 19-сонли маҳаллаларида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

Уларда сўзга чиққан Хоразм вилоят партия Кенгашининг котиби Минавар Искандарова Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасининг мазмун-моҳиятини давра суҳбати иштирокчиларига тушунтириб, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, сиёсий партиялар ўз иш фаолиятига янгича тамойиллар билан ёндашиши кераклигини ва бугунги кунда ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва халқимиз моддий эҳтиёжларини тўлиқ қамраб оладиган қонунлар яратиш лозимлигини йиғилганларга тушунтириб берди. Баҳс-мунозара ва савол-жавоб тарзида қизиқарли ўтган давра суҳбатида 120 киши иштирок этди.

* * *

Урганч шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да 5 ёшгача бўлган 19 болага меҳр-мурувват кўрсатилиб, дастурхон ёзилди. Бу болалар учун «Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгаши томонидан 300 минг сўмлик кийим-кечак ва совғалар улашилди.

* * *

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАБ

9 июнь куни «Адолат» СДП Урганч тумани Кенгаши томонидан «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишлаб, тумандаги «Бинокор» болалар боғчасида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман партия Кенгашининг биринчи котиби Моможон Норметова сўзга чиқиб, ҳозирги даврда давлатимиз томонидан ҳалқ саломатлиги йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда партиямиз олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида гапириб ўтди.

Йиғилиш сўнгида Урганч туман Кенгаши томонидан «Бинокор» болалар боғчасига ўн беш минг сўмлик доридармон, кийим-кечак ва ўйинчоқлар ҳадя қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2005 йилнинг 1 июлигача — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси. Бунда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин;

2005 йилнинг 1 августигача — айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилини қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан, муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам татбиқ этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига қадар:

ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича;

хўжалик судларига даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валютадаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича;

суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида;

Қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонига илова

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари РЎЙХАТИ

1. Фаолиятни тугатиш.
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.
3. Банклардаги ҳисоб варақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легеллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўйиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.
5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.
6. Тадбиркорлик фаолиятини айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

Ўзбекистон-Россия: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК - АМАЛДА

Жумладан, булар сирасига ёқилғи-энергетика мажмуи, самолётсозлик, транспорт ва коммуникация, банк соҳаси ва бошқалар киради. Шу ҳужжатга мувофиқ, томонлар ўзаро сармоявий лойиҳаларда ва хусусийлаштириш жараёнларида қатнашиш учун бир-бирига имкон қадар кенг қулайликлар яратади.

Шу тариқа давлатларимиз ўртасида стратегик шериклик учун барча асослар тайёрланди.

Ўтган йили олий даражадаги сиёсий мулоқотлар анча фаоллашди. Ислом Каримов ва Владимир Путин икки томонлама ташрифлар ва халқаро анжуманлар доирасида етти марта учрашдилар. Йил давомида Ўзбекистонга Россиядан турли мақомдаги 32 делегация ташриф буюрди.

Россия ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги фаоллиги ҳам ортди. «Газпром», «Лукойл», «Союзнефтегаз», «Российские железные дороги» каби йирик компанияларнинг, Россия федератив субъектларининг раҳбарлари Ўзбекистонда самарали мулоқотлар ўтказдилар. Айниқса, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти ўртасида имзоланган битим диққатга сазовордир. Янги нефт-газ конларини разведка қилиш ва ўзлаштиришни, соҳага бир миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни кўзда тутувчи бу битим ўтган йилнинг июнида имзоланган эди. Ноябрь ойида эса лойиҳанинг ижросини бошлаш тўғрисидаги протокол имзоланди ва амалий жараёнга киришилди.

«Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» очиқ акционерлик жамияти ўртасида ҳам изчил ҳамкорлик қарор топган. Улар ўртасида тузилган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

Умуман олганда, ёқилғи-энергетика мажмуини Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий муносабатларининг етакчи бўғини дейиш мумкин.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, суғурта, банк соҳаларида ҳам ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Россия сармояси иштирокида тузилган 350дан зиёд қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, электротехника, машинасозлик саноатида, халқ хўжалигининг кўплаб бошқа муҳим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Россиянинг «Зарубежнефтегаз», «Лукойл», «Союзнефтегаз» каби жами 60 йирик компанияси Ўзбекистонда ваколатхона очган. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистоннинг вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Россия ўзаро муносабатларни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг Тошкент учрашувида эришилган келишувларга мос тарзда ривожлантирмоқда, стратегик шериклик шартномасини изчил ҳаётга татбиқ этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Бугуннинг гапи

Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз тарафидан "Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши" деб таърифланди ва асосий эътибор солиқ қонунчилигини соддалаштириш, барқарорлигини таъминлаш, солиққа тортиш тизимига қўшимча имтиёз берилишига қаратилди.

ТАДБИРКОРЛИКДАГИ МУВАФФАҚИЯТНИНГ ГАРОВИ

Солиқ қонунчилигини янада соддалаштириб, солиқларни унификация қилиш ва солиқ юкини енгиллаштиришга боғлиқ

Ҳақиқатдан ҳам, кичик бизнес субъектлари мустаҳкамлиги солиқ сиёсатининг барқарорлиги билан боғлиқ, зотан, солиқ қонунчилигининг барқарорлиги, тез ўзгарувчанлиги кичик бизнес учун ниҳоятда хатарли бўлиши мумкин. Чунки, қонунчиликдаги барча ўзгаришларни дарҳол илғаб олиш мушкул.

Шу маънода, биринчи ва биттагина жиддий хато ҳам кичик тадбиркор учун охиргиси бўлиши, ҳамда, бизнесни тўхтатишга, даромад манбаидан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида 15 га яқин қонун ва 2000 яқин қонуности ҳужжатлари мавжуд. 2003 йилда 40 та норматив ҳужжат билан солиқ қонунчилигига 90 та ўзгартириш киритилди. 2004 йили Солиқ Кодексига 24 та, 4-моддага эса икки маротадан ўзгартиришлар киритилди. Айрим ҳолатларда солиқ қонунчилиги борасида Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўртасида номутаносибликлар борлиги аниқланмоқда.

2003 йил Халқаро-молия корпорацияси тарафидан Ўзбекистонда бизнес муҳити бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида солиқ қонунчилигининг барқарорлиги 57 фоиз, тадбиркорлар учун катта муаммолар туғдириши мумикнлиги қайд этилган.

Маълумки, ҳозирда Солиқ Кодексининг янги таҳрири устида жиддий иш олиб бориляпти. шу муносабат билан ўз тадбиркорлик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, баъзи бир таклифларимни билдирмоқчи эдим.

Солиқ Кодекси амалда 135 тага яқин моддадан иборат. Лекин Кодекс нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1997 йилдан ҳар йили ушбу Кодексга янги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Умуман Солиқ қонунчилигини олсак, шу соҳага оид қонуности ҳужжатларининг сони ниҳоятда кўплигини кўрамиз. Бу ҳолат солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардан бохабор бўлиш ва уларга риоя этишда тадбиркорларга қатор қийинчиликлар туғдиради ва табиий-ки, солиқ хатоларининг кўпайишига олиб келади. Бу муаммонинг ечимини аввало Янги таҳрирдаги Кодекс структурасини ўзгартиришда кўраман. Чунончи, Кодекс нормаларининг батафсил баён этилиши ҳисобига солиқ тизимини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларининг сони камайтирилиши керак. Шунда тадбиркор ва солиқ тизими ходимлари тарафидан меъёрий ҳужжатларни ҳар хил талқин қилиш ёки Солиқ Кодекси нормаларини эмас, балки қонуности меъёрий ҳужжатларини қўллаш ҳолатлари батафсил бартараф этилади.

Шунга оид яна бир муҳим масала — агар лозим бўлса, солиқ қонунчилигига бир йилда фақат бир маротаба ва бир вақтда ўзгартиришлар киритилишидир. Масалан, Германияда ҳар бир аудитор молия йили якунида янги йилдаги солиқ қонунчилиги бўйича барча янгилик ва ўзгартиришлар билан таъминланади. Йил давомида бошқа ўзгартиришлар киритилмайди ва тадбиркорлар аниқ маълум ҳужжатлар асосида фаолият юритади. Бундай янгилик тадбиркорларни солиқ қонунчилигида "яна ўзгартириш бўларкин?" қабилидаги доимий безовталикдан сақлайди.

Шу муносабат билан Солиқ Кодексининг 3-моддасига "Тадбиркорлик соҳасидаги солиқ сиёсатига оид қонун ва қонуности ҳужжатларига янги қўшимча ва ўзгартиришлар йилда бир марта янги йил бошидан кучга киради" деган бандни киритиш лозим.

Яна бир муҳим масала — мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш даврида тадбиркорликда солиқ юкини камайтиришдир.

Шу ўринда ўтган йилларда мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш тенденсияси давом этаётганлигига қарамай Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистонда бизнес муҳити бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасида 2001-2003 йиллар давомида тадбиркорларнинг ўз бизнесларини ривожлантиришга ажратилган инвестиция доираларини 2,5-3 баробар камайиб кетганлиги аниқланди. Шунингдек, бу даврда тадбиркорлик муҳити анча яхшиланганлиги, лекин ҳали-ҳануз даромаддага солиқ базаси юқорилиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга оид чора-тадбирларнинг сустлиги, молиявий жазоларнинг қаттиқлиги, солиқлар баъзибир турларининг ўзгарувчанлиги таъкидланди. Бу маълумотлар иқтисодий изланишлар маркази тарафидан ҳам тасдиқланди.

Айни чоғда, шуни таъкидлаш керакки, солиқ тизимини соддалаштириш йўналишида ягона даромад солиғининг тадбиқ этилиши тадбиркорларга бир мунча енгиллик яратди ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун туртки бўлди. Ҳаттоки, юқоридаги тадқиқотга кўра, бошқа соҳаларга нисбатан, саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида солиқ юки бир мунча (4-9 фоиз) камайди.

Албатта, ушбу солиқ тизимида ҳисоб-китобда енгиллик бўлди. Лекин, ишлаб чиқариш корхоналарида ягона солиқнинг 12 фоизи, қўшимча пенсия фондига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан 0,7 фоиз, йўл фондига 1-1,5 фоиз, мактабларни ривожлантириш фондига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан 1 фоизининг қўшилгани, бунинг устига улар ишлатадиган хом ашё материалларига қўшимча қиймат солиғининг қўшилиши корхоналар учун катта солиқ юки бўляпти ва рағбатлантирувчи кучга эга бўлмаяпти.

Савдо корхоналарининг ялпи даромад солиғи билан таққослаганда, маҳсулот ҳажмини бир хилда олсак, ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқнинг миқдори ялпи даромад солиғи миқдоридан 3 баробар кўп бўлиб чиқяпти. Демак, ишлаб чиқариш корхоналари қувватини ошириш, янги ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар сонини ошириш учун ягона солиқ ставкасини 5 фоизгача камайтириш ёки шундай солиқ тўловчилар учун барча солиқлар ва тушумларни унификация қилиш ҳамда ягона солиқ миқдорини 5-9 фоиз атрофида белгилаш лозим.

Солиқ юкига таъсир этувчи омиллардан яна биттаси — бу солиқ тизимида имтиёзлар бериш мезонларини қайтадан кўриб чиқишдир. Авваламбор, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқарувчи корхоналар имтиёзларини кенгайтириш ва муддатини узайтириш, қонун асосида белгилиб қўйилишида, маҳаллий ва хорижий инвесторларга бир хилда баҳо берилиши, имтиёзларнинг алоҳида корхоналар ёки маҳсулот турларига эмас, балки, соҳалар, тармоқларга берилиши мақадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман.

Демак, Кодексининг янги таҳririда имтиёзлар берилиши ёки берилмаслигининг сабаблари, асослари ва шароитлари аниқ белгилаб берилиши лозим.

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунга ҳам маълум бир ўзгартиришлар киритиш керак. Амалиётда кўплаб тадбиркорлар солиқ инспекцияларидан маълумот олиш чоғида қатор муаммо ва мураккабликлар билан тўқнашишади. Айниқса, қонуности ҳужжатлари нормаларининг қўлланилиши билан боғлиқ аниқ маълумотларни олиш кўпинча формал тарзда амалга оширилади. Шунинг учун тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини белгилаб берувчи аниқ нормалар киритиш ҳамда керакли ҳужжатларнинг нусхасин олиш тартиби ва механизми қонунда белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Солиқ юкини камайтириш ва солиқларни иқтисодиётни барча тармоқларига, тадбиркорлик субъектларининг барча турларига тенг тақсимлаш миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат бардошлигини оширади ва Ўзбекистонда тадбиркорликни янада равнақ топишига олиб келади.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари

«Адолат» СДП фаолиятидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

* * *

10 июнь «Адолат» СДП Хоразм вилоят Урганч шаҳар Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Адолат» СДП шаҳар Кенгаши 2004 йил якунлари ва 2005 йилнинг 5 ойлик ишлари таҳлил қилинди.

Пленумда сўзга чиққан «Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгашининг котиби Нурмат Эшметов йиғилганларга партиянинг дастурий вазифалари, унинг ҳозирги кундаги фаолияти ва ҳукуматимиз томонидан аҳолини соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб, шаҳар партия Кенгашининг ишини жуда суст эканлигини, бажарилган ишлар ҳозирги кун талабига жавоб бермаслигини айтиб ўтди, шу билан бирга партия Кенгашининг камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш чораларини белгилади.

Нотиқ 13 майдаги Андижон воқеаларига тўхталиб, экстремист гуруҳларнинг қилган ишларини қоралади ва аҳолини, айниқса ёшларимизни, бу гуруҳлар таъсиридан асраш учун «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида тарғиботташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб боришимиз кераклигини таъкидлади.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди ва Урганч шаҳар партия Кенгашининг биринчи Котиби этиб Озод Худойбергенов сайланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан режалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ДАВР ТАЛАБИ

14 июнда «Адолат» СДП Хоразм вилоят Кенгаши ташаббуси билан Урганч шаҳрида 1-маҳалланинг фаоллари билан «Диний экстремистик оқимларнинг жамиятга зарари» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга партия фаоллари ва аъзолари, маҳалла фаоллари ва фуқаролар қатнашдилар.

Учрашувда Урганч шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Озод Худойбергенов сўзга чиқиб, 13 майда Андижон шаҳрида бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар томонидан қўплаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилгани ва Андижон халқининг бошига тушган мусибатлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан партиядошларимиз, маҳалла оқсоқоллари ва бошқалар Юртбошимизнинг юрт осойишталиги, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулладилар ҳамда барча ҳамюртларимизни ҳамиша ҳушёр бўлишига даъват этдилар.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

«Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков Каттақўрғон туман Кенгаши биринчи котиби, туман Кенгаши депутати Собиржон Мингбоев билан ҳамкорликда туманнинг 29-Каттами, 30-Мунинхўжа сайлов округларида ва туман халқ таълими бўлимида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда сўзга чиққан депутат Собиржон Мингбоев Президентимиз И.А. Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида келтирилган фикр-мулоҳазаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Шунингдек, 13 май куни Андижонда содир бўлган мудхиш воқеаларни қоралаб, «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида ёшлар ва аёллар орасида, маҳаллаларда ақидапарастлик, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш кераклигини уқтирди.

Учрашувларда фуқаролар ўзларининг муаммо туғдирган саволларига ижобий жавоблар олишди. Сайловчиларда яхши таассурот қолдирган бундай учрашувлар Пастдарғом туманидаги 27-Синчи сайлов округида депутат Кимё Турсунова билан, 30-Янгиобод сайлов округидан депутат Зебо Тўраева билан, 6-Гулибос сайлов округидан депутат Бекмирза Жавбўриевлар билан ҳам ўтказилди. Бу учрашувларни мазмунли ва қизиқарли ўтишида «Адолат» СДП туман партия Кенгашининг биринчи котиби Зокир Яхшиев ташаббускорлик кўрсатди.

ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги Қўйлиқ қишлоғида истиқомат қилувчи «Адолат» СДП аъзоси Мавлюда Нуруллаеванинг бетоб ўғлини касалхонага ётқизиб, керакли дори-дармонлар билан таъминлаб, даво топишига ёрдам бергани учун «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши биринчи котиби Жуманиёз Алибековга ўз миннатдорчилигини билдирди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши Чилонзор туман ҳокимлиги Меҳнат бўлими билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Fофур Fулом номли истироҳат боғида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» мавзусида меҳнат ярмаркаси ўтказди.

Меҳнат ярмаркасида 52 нафар бўш иш ўринларига эга бўлган ташкилотлар иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасига 2005 йил Олий ўқув юртлари, коллеж-лицейлар, мактаблар битирувчилари ҳамда шаҳримизнинг бошқа туманларидан ҳам ишга муҳтож бўлган фуқаролар қатнашдилар.

Ярмаркани ўтказиш жараёнида 100 дан зиёд фуқарога ишлаш учун, 31 фуқарога эса касбга қайта тайёрлаш учун ўқув марказларига йўлланмалар берилди.

Жамият ва шахс

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг шу йил 14 апрелдаги буйруғи билан Алишер Асрорович Зокиров Самарқанд шаҳар прокурори этиб тайинланди. Янги лавозим чуқур масъулият ва жавобгарликни талаб этади. Чунки эркин фуқаролик жамиятида ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, шахснинг қонун олдидаги бурч ва эркинликларни таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш прокуратура идоралари зиммасидаги энг катта вазифа. Бунга эса жамиятимиздаги инсонпарвар қонунларнинг амалдаги ижросини сўзсиз таъминлаш орқалигина эришилади.

ФУҚАРОВИЙ БУРЧ ВАТАННИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

дейди Самарқанд шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Алишер ЗОКИРОВ

— Алишер Асрорович, жамиятдаги ҳар қандай иқтисодий ўзгаришлар аввало қонунларда ўз ифодасини топиши зарурлигини яхши биласиз. Бошқача айтганда жамиятни қонунлар бошқариши ва ҳамма унга бирдек амал қилиши лозимлигини тушуниш фурсати аллақачон етиб келди. Қонун чизиғидан четга чиқиб жамиятга ёввойиларча таъсир ўтказишга уринишнинг хунук ва фожиали оқибатларини эса Андижон воқеалари мисолида кўрдик. Бу ҳол қайта такрорланмаслиги учун фожиага икрорликнинг ўзи кифоями? Фуқаролик бурчи аввало қонунларга нисбатан жавобгарликдан иборат эмасми?

— Тўғри таъкидладингиз, жамиятни, ўз истиқболини кўра оладиган мамлакатни қонунлар бошқариши керак. Шунинг учун ҳам халқнинг хоҳиш-иродасини қонунларда ифодаловчи парламент бор, кўпдан-кўп ҳуқуқий институтлар бор, эркин фуқаролик жамияти қуришдан том маънода манфаатдор бўлган миллионлаб ватандошларимиз бор! Улар ислоҳотларнинг бугун кечагидан яхшироқ самаралар бераётганлигини, мустақил давлатчилигимиз асослари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганлигини кўриб, ҳис этиб турибдилар. Шундай шароитда бир тўда кимсаларнинг жамиятдаги ҳуқуқий меъёрларни назарписанд қилмай босқинчилик йўли билан ҳокимиятни эгаллашга уринишлари, халқни бузғунчиликка, терроризмга даъват этишлари — қабиҳ жиноят! Ўзини халқнинг «халоскори» деб атаб, аслида жаҳолат йўлига ўтиб олган бундай кимсалар учун қонунларнинг кераги йўқ.

Лекин ҳаммамиз учун ягона, шу азиз Ватанда яшаётган эканмиз фуқаролик бурчи аввало қонунларга нисбатан жавобгарликни, итоаткорликни, ҳурматни талаб қилади. Бугун қоидаларимиз кўпроқ инсон манфаатларининг ҳимоясига йўналтирилаётганлиги биз-лан ҳам эътиборлидир. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қатор ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилингани фикримиз далилидир.

Демак, фуқаролик бурчи ҳақида гапирганда Ватанни англашимиз, шу Ватаннинг тартиб-қоидалари ҳамма учун ягона эканлигини тушунишимиз шарт.

— Маъқул гап. Жамиятнинг томир уришини, қадам ташлашини белгилайдиган куч қонунларда мужассам экан унинг ижроси ҳақида нима дейиш мумкин? Хусусан Самарқанд шаҳрида қонунчиликка риоя қилиниши устидан прокурор назорати қандай самаралар бермоқда?

— Шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, шаҳар прокуратураси қонун устуворлигини, қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш борасида барча таъсир чораларини ишга солиб келмоқда. Фуқароларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш, тадбиркор, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий таъминот муассасаларини ҳукумат қарорлари доирасида фаолият юритишларини таъминлаш, қўйинг-ки, қонун кириб борган барча соҳада мақсадида шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси, Меҳнат ва халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси ўтказилди. Унда 56 та корхона бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди. Натижада 480 нафар фуқаро янги ишга жойлаштирилди. 164 нафар шахс ижтимоий ҳимояга олинди.

Бироқ «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун талабларига ҳамма жойда бирдек риоя қилинаяпти, деб бўлмайди. Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказилган прокурорлик текшируви шундан далолат беради-ки, бу ерда шаҳар ҳокимлигининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бўлими томонидан талаб этилган 12 та бўш иш ўрнини яратиш узоқ вақт рад этиб келинган. Натижада қонун талаблари бузилиташкил қилган. Шаҳар прокуратрураси томонидан мазкур қарздорликни бартараф этиш борасида кескин чоралар кўрилди. Жумладан, Самарқанд Кимё корхонасидан 50 нафар ишчи-хизматчининг 8 миллион 528 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш бўйича фуқаролик судига 50 та даъво аризаси киритилди. Корхона директори ўринбосари ва бош ҳисобчига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Худди шунингдек, 3-қурилиш-монтаж ва таъмирлаш бошқармаси, вилоят «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамияти, «Самарқандўқувтаълимтаъминот» корхонасида ўтказилган текширишлар натижасида фуқаролик судларига 13 миллион сўмликка яқин иш ҳақларини ундириш бўйича 64 та даъво аризаси киритилди.

— Айни шу масалада қонунларнинг бажарилиши устидан ўрнатилган прокурор назорати ўз натижаларини бермоқда. Эътиборингизни шундай далилларга қаратмоқчиман.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалдаги қонун ижросини олиб кўрайлик. Шу йилнинг биринчи чораги давомида шаҳар ҳокимлигининг тегишли бўлимига 785 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Муаммони ҳал этиш ишига йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизоми жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Ёки Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўланишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини олайлик. 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Самарқанд шаҳрида иш ҳақидан қарздорлик 2 миллиард 132 миллион 289 минг сўмни ҳақи сифатида УЖБ 1304735-рақамли чек орқали 230 минг 600 сўм миқдорида нақд пул олиб ишчи-хизматчиларга тарқатмасдан тўлов ведомостидаги имзоларни қалбакилаштириб ўз ҳисобига ўзлаштиргани аниқланди. Натижада ширкат раисига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— Демак, инсон ҳимоясига йўналтирилган қонунларимиз қанчалик адолатли бўлмасин уни бажаришга масъул кишилардан шу қадар инсоф-диёнат талаб этилади. Ёки қонун бажарилиши учун назоратни қатиқроқ ўрнатиш керак. Шундай эмасми?

— Шак-шубҳасиз шундай. Фуқароларнинг манфаатлари қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқий жамиятда кимнингдир лойқайдлиги ёки жиноятқорона хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий адолатсизлик, норозилик келиб чиқмаслиги керак.

Яқинда шаҳар ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш масалалари Департаментининг биринчи 7 нафар ходими прокуратура томонидан интизомий жавобгарликка тортилди. Сабаб, юқорида таъкидлаганимиздек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ-манфаатларини менсимаслик, бурчга лойқайдлик билан ёндашишидир. Биргина мисол: «Самарқанд вақти» хусусий савдоишлаб чиқариш корхонасининг департаментга рухсатнома олиш ҳақидаги мурожаати 28 кунга, якка тадбиркор Н.Юнусовага ҳудди шундай гувоҳнома бериш 21 кунга кечиктириб ҳал қилинган. Қонун эса бундай ҳолатни кечирмайди.

— Алишер Асрорович, ҳуқуқий жамиятимизда ёшлар тарбиясига, уларнинг мактаб ва оиладаги ўрнини белгилашга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса балоғатга етмаган ёшларнинг турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун зарур чоралар кўрилмоқда. Бу борада Самарқанд шаҳар прокуратураси қошидаги воя-га етмаган ёшлар билан ишлаш марказининг фаолияти Республика миқёсида кенг оммалаштиришга арзигулик тажриба. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, прокуратура балоғатга етмаган, тарбияси оғир ўсмирларни назоратига олган ҳамда уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун жиддий кўмаклашаётгани эътиборлидир. Биласизми, шаҳардаги ўнлаб мактаб, коллеж ва лицейларда каратэ, теннис, кураш тўгараклари мунтазам фаолият юритмоқда. Тарбияси оғир ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда бу тўгараклларнинг иштироки беқиёс. Илгари содир этган жиноятлари учун қонун идоралари рўйхатида турган шундай ўсмирларнинг аксарияти бугун таниқли спортчи, вилоят ва мамлакат чемпионлари бўлиб етишишган. Демак, уларда соғлом ҳаётга кўникма бор. Ёшлар ўртасида оғир жиноятларни содир этиш йилдан-йилга камайиб бораётганлиги ҳам оила, мактаб ҳамда прокуратуранинг самарали ҳамкорлигининг шарофати туфайли деб биламан. Ва, бу ўринда ҳам шахснинг камолотга эришувида фуқаровий бурчини барвақт англаб етиши муҳим рол ўйнайди. Уни улғайтирган жамият олдидаги бурчини бутун вужуди билан идрок этган ўсмир-ёш қонунларга, Ватанига ҳеч қачон хиёнат қилмайди!

Сухбатдош:
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Болалар спорти

ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИ КУЧАЙМОҚДА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этилганига ҳам 3 йил бўляпти. Жамғарманинг асосий вазифаси болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор авж олдиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, қишлоқларда замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш ва техникавий жиҳозлашни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, ташкилотларни жалб этишдан иборатдир. Биз жамғарманинг Андижон вилоят минтақавий филиали бошлиғи Мадаминжон СОИПОВ билан учрашиб жойларда барпо этилаётган, қайта қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Яқинда вилоятимиз вакиллари «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинлари республика финал босқичида яна ғолиб чиққанлиги барчамизни ғоят мамнун этди, — деди у. — Бугун спорт тез суръатларда ривожланмоқда. Агар жойларда замонавий спорт иншоотлари, етарли техник анжомлари бўлмас экан катта ютуқларга эришиб бўлмайди. 2003 йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг муносабати билан Андижон спорт коллежи қошида «Соғлом авлод учун» ўйингоҳининг қурилиши ҳам вилоятимиз ёш спортчиларининг муваффақиятларида муҳим омил бўляпти. Бунинг учун жамғармамиз томонидан 3 миллиард 985 миллион сўмлик маблағ сарфланган.

Дастлабки йили Бўз туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида болалар спорти мажмуи таъмирланди, Избоскан туманида спорт зали қурилди.

— Юртбошимиз ўз нутқларида қишлоқ жойларда, маҳалларда унча катта бўлмаган, аммо спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун етарли шароитлар мавжуд бўлган болалар мажмуаларини қуриш ҳақида кўп бор уқтирганди...

— Ҳа, биз бундай иншоотларни 5-типдаги спорт мажмуйи деб аталаниз. Ўтган йили Улуғнор туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалигида ана шундай мажмуа қурилиб фойдаланишга топширилди. Биз қурилиш учун 133 миллион сўм, спорт анжомлари сотиб олиш учун 4,5 миллион сўм ажратдик. Бугун бу спорт мажмуига кирсангиз ёш полвонлар, боксчилар, енгил атлетикачилар, қўйинги, спортнинг 8 тури бўйича астойдил шуғулланаётган болаларни кўриб ҳавас қиласиз.

Жамғарманинг туман бўлими бошлиғи Муроджон Ўлмасов секциялар ишини ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатяпти, малакали мураббийларни жалб этмоқда. Бу ерда 250 бола спорт билан мунтазам шуғулланяпти. Туман халқ таълим бўлими қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун ҳам яхши имкониятлар яратилди.

Ўтган йили жамғармамиз ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағга мувофиқ қайта қурилган Андижон туманидаги Хортум от спорти, Шаҳрихон туманидаги спорт зали, Қўрғонтепа туманидаги «Деҳқончек» спорт мажмуйи иншоотлари ҳам болаларнинг севимли қароргоҳига айланди. Қурилиши ўлда-жўлда ташлаб қўйилган ва узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолган Жалақудуқ тумани марказий ўйингоҳи эса ниҳоят тикланди.

— Бу йил Сиз раҳбарлик қилаётган минтақавий филиал қурилишларни жадаллаштириш учун катта моддий имкониятларга эга бўлибди.

— 2005 йилда янгидан иншоотлар қуриш ва реконструкция қилиш учун 1 миллиард 322 миллион сўм ажратилган. Биз унинг 376 миллион 30 минг сўмини қурилиш ташкилотларига ўтказдик. Тўғри, Бўз туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинида қурилаётган 5-турдаги спорт мажмуини битказиш бироз орқага чўзилиб кетди. Аммо «Омега» хусусий ишлаб-чиқариш ва савдо фирмаси қурувчилари шу ойнинг ўзида уни фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

Андижон туманидаги Бакиров номли жамоа хўжалиги шу йилнинг апрель ойида қурилиши бошланган болалар спорт мажмуасини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш арафасида. Олтинқўл туманидаги маҳаллада Кўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида бошланган спорт мажмуалари ҳам тез орада ниҳоясига етказилади. Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги, Избоскан туманидаги Чўмбоғиш қишлоғидаги ўйингоҳларнинг қайта таъмирланиши учун ҳам маблағ ажратилди ва иш жадал олиб бориляпти.

— Маълумки, умумтаълим мактабларидаги спорт залларининг аксарияти талаб даражасида эмас, баъзиларида эса умуман спорт заллари йўқ. Бу муаммони ечиш учун жамғарма қандай чора-тадбирлар қўлламоқда?

— Бу йил айнан мана шу масала бўйича жиддий ишлар олиб бориш йўлга қўйилди. Ажратилган маблағнинг 640,8 миллион сўми айнан спорт залига эга бўлмаган умумтаълим мактабларида ана шундай заллар қуриш учун ишлатилади, 182 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб беришни режалаштирганмиз. Андижон туманидаги 19-,Балиқчи туманидаги 21-,Булоқбоши туманидаги 9-,Улуғнор туманидаги 2-,Хўжаобод туманидаги 15-,Қўрғонтепа туманидаги 18-,мактабларда спорт заллари қурилиши бошланди.

— Қолган мактабларчи...?

— Ҳаммаси аста-секин ҳал этилади. Янаги йили 10 та умумтаълим мактаб ўзининг спорт залларига эга бўладилар. Бундан ташқари 4 та болалар оромгоҳини қайта тиклашни ҳам режалаштириб қўйдик.

Келгуси йилдаги режалар ҳақида гапирар эканмиз жойларда 5-типда яна 4 та спорт мажмуаси қуриш ва 4 та спорт иншоотини таъмирлаш учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи-муҳандислик компаниясига маблағ ўтказамиз. Фаолиятимизнинг жадаллашиб боришида вилоят ҳокимлигининг ёрдами катта бўляпти.

Суҳбатдош: Тўлқин СИДДИҚ, «Адолат» мухбири

Андижондаги Уйғуробод маҳалласининг фаоллари ташаббуси билан «Ёш ҳунармандлар маркази» очилди.

МАРКАЗ ЁШЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ

Марказда мебель, газламаларни бўяш, темир ва тунукадан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарувчи цех, нонвойхона иш бошлади.

Мазкур цехларда эллик нафардан зиёд ёш йигит-қизлар тажрибали ишчилардан ҳунар сирларини ўрганмоқда. Ҳозирда марказда минг донагача нон тайёрланиб, бир ярим метргача матога ранг берилмоқда.

Қувончли томони шундаки, марказ ёшлари фойда ҳисобидан маҳаллада ҳашар йўли билан янги маиший хизмат уйи биносини қуриш ташаббуси билан чиқишди.

К.НИЗОМОВ

ЖОНАЖОН ВАТАНИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ

Талашиб — тортишиб ўсган элдошим,
Умрбод садоқатли азиз йўлдошим —
Сен борсан доимо мағрурдир бошим,
Жонажон ватаним, Ўзбекистоним.

Ширин мевазору, ям-яшил боғлар,
Виқор-ла бўй чўзган мўйсафид тоғлар,
Минг бир дардга шифо зилол булоқлар,
Ўзбегим ватани, менинг жон-таним.

Қалбидайин оппоқ пахта даласи,
Ям-яшил боғию, алвон лоласи.
Бағрида унади қизу-боласи,
Ўзбегим ватани, менинг Ватаним.

Бир-бирига туташ, туғишган эллар,
Адоғи йўқ воҳа, бепоён чўллар,
Яшнатар «оқ олтин» яратган қўллар —
Сенга фидо бўлсин тандаги жоним.

Келажагин безар ўтмиш чироғи,
Донишманд фарзандлар кўзи қароғи,
Икки дарё эрур — яқин, йироғи —
Ўзбегим ватани, шарафим-шоним

Бошидан ўтган яхши-ёмон кунлари,
Тарихга битилган ёлғон, чинлари,
Манглайга чизилган қўш ажинлари,
Ўзбегимнинг ватани, менинг маконим.

Шу нурли заминнинг тинч-тотувлиги,
Одам ато зоти бир, аҳиллиги,
Ўн саккиз минг оламнинг яхшилиги,
Сенда мужассамдир менинг ватаним.

Темирдан мустаҳкам дини-иймони,
Ҳамиша покиза лабзи, виждони,
Тоғни ағдармоққа етар имкони,
Ўзбегим ватани, менинг маконим.

Ғойибназар МАҲМУДНАЗАРОВ

Маънавият — ҳаёт гултожи

Маънавият ва маърифатнинг моҳияти ҳамда аҳамияти жамият тараққиётига кўрсатадиган таъсирига қараб белгиланади. Билимли ва маъданиятли, одоб-ахлоқли, имонли, замонавий фикрлайдиган, эътиқоди мустаҳкам, руҳан пок инсон жамият, давлат, халқ ва миллат учун энг катта бойлик, куч-қудрат манбаидир. Маънавият инсоннинг моҳияти ва фаолияти учун ҳам асос бўлади. Маънавиятсиз фаолият бўлмаганидек, амалий фаолиятсиз инсоннинг маънавий камолоти ҳам бўлмайди.

УЛКАН БЕБАҲО БОЙЛИК

Инсоният даҳолари томонидан яратилган маънавият зарварақларини ташналик билан ўқиб-ўрганиб, уларнинг асосий ғояларини ўзлаштириб одоб-ахлоқ, эзгулик, инсонийлик каби юксак қадриятлар халқимизда азалий кўп бўлганлигига яна бир бор иқрор бўламиз. Халқимиз асрлар давомида шаклланган бой маданий меросидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги анъаналаридан, мақолларидан, ҳикматли сўзларидан қанчалик самарали, оқилона ва ижодий фойдаланса маънавиятимиз ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга эканлигини шунчалик теран англаймиз.

Юсуф Хос Ҳожибнинг XI асрда яратган "Қутадғу билиг" асарида маънавий қадриятлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Яъни, фарзанд кўриш, болаларни билимли, одобли, жамият учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялаш, келажакни ўйлаб иш тутиш умуминсоний маънавият эканлиги ҳаққоний равишда кўрсатиб берилган.

Мазкур бебаҳо асар инсонлар ўртасидаги муносабат меъёрлари, дўстлик, ҳамжиҳатлик, софдиллик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатларни ўзида улуғлаганлиги билан ҳам эътиборлидир. Инсоний муносабатларга тўғри келмайдиган худбинлик, ёвузлик, бахиллик, вафосизлик, хиёнат, субутсизлик, такаббурлик, беҳаёлик каби иллатларни эса кескин қоралаган.

"Қутадғу билиг"да илм-маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-маънавий қадриятлар ҳақида кенг қамровли қарашлар ва таълимотлар ўз аксини топган. Бу таълимотнинг мазмун-моҳиятини инсон муаммоси ташкил этади.

Маънавият инсоннинг ўзлигини англаб олишига ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини таниган инсон миллатига, Ватанига, унинг тарихига, аждодларининг ақлу-заковати-ю уларнинг ҳаётбахш меросларига муносиб бўлишга ҳаракат қилади, Ватанини ўзгача меҳр билан севади, у билан чексиз фахрланади, юртим деб, элим деб яшайди.

Тарих саҳифаларидан шу нарса равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишониб, асосий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг маданиятини, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини ривожлантиришни ўйламас экан, у албатта инқирозга юз тутади.

Биз мустақил юрт фарзандларимиз. Мана 14 йилдирки, мамлакатимизда инсоннинг одоб-ахлоқи, билими, дунёқараши, маънавияти ривожига катта аҳамият берилмоқда. Зеро, маънавий камолот, билим, одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, фалсафий дунёқараш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойликдир.

Маънавиятнинг умрбоқийлиги — унинг инсон, халқ ва миллат, жамият ва давлатнинг куч-қудрати манбаи эканлигидадир. Маънавият бўлмаган жойда бахт-саодат ҳам, имон-эътиқод ҳам, элу улусда дину-диёнат ҳам бўлмайди. Буни кишилар онгига сингдириш миллий мафкурамизнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина миллий истиқлол учун курашда ўзида куч-қудрат ва имконият топади. Юксак маданият, маънавият, маърифат соҳиби бўлган халқ ва миллат ўз-ўзини ва ўзга халқларни қадрлайди, қаддини тик тутади, ўтмиши билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди.

Фазилат ҚОСИМОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети магистранти

Муносабат

Мозийга бир назар ташланг: Аллоҳдан қўрқмайдиган, уни инкор қиладиган тузумларда одамият бошига не-не савдолар ёғилган. Афсуски, одамзот бундан тегишли хулоса чиқариб ололгани йўқ. Ахир айтинг, бугун дунё бўйлаб оммавийлашиб кетган фаҳш ишлар, наркомания, СПИД, мусулмонлараро ихтилофлар, турли хил ҳизблар... булар қандай пайдо бўлмоқда?

ОГОҲЛИК ЭҲТИЁЖИ

Мана, сўнгги ўн йилликларда муқаддас ислом дини атрофида пайдо бўлган фирқаларни олиб кўринг: Расулуллоҳ (с.а.в.) умматларига шундай таълим берганмиди? Фирқаларга ажралишнинг оқибати мусулмонларнинг бошига бало бўлишини муйсафид тарих сўзлаб турибди-ку! Аллоҳдан қўрққан киши ихтилоф чиқармайди, бировни ўлдирмайди. Далилимиз шуки, Пайғамбаримиз айтдилар: «Мусулмон одамнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам биров озор топмайди».

Ахир ҳамма замонларда фирқаларга ажралиш мусулмонларнинг бошига бало келтирган экан, нима учун энди биз ўзимизни, болаларимизни, қолаверса, динимизни ҳимоя қилмаслигимиз керак. Мана, биргина «Ҳизбут-таҳрир» оқими шу пайтгача Ислом динининг энг ашаддий ғанимлари ҳам қилмаган ва ҳатто журъат қилолмаган душманликни қилди ва бу душманлик ҳамон давом этаяпти.

Яқинда Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар замирида ҳам мана шу ғайирлик ётибди. Минг афсуски, баъзи юртдошларимиз кўз олдида турган бу аччиқ ҳақиқатни кўрмаяптилар. Президентимиз мазкур мудҳиш ҳодисага муносабат билдирар экан, бу воқеа ҳаммамизнинг, бутун ўзбек халқининг фожеаси эканини таъкидлади. Аслида эса бу хунрезликлар муқаддас Ислом дини учун ҳам хатарли бўлиб, унинг обрўсига-да путур етказади.

Ахир ўзингиз фикр қилиб кўринг: ҳар ким динда ниманидир ўқиб олиб ўзича ҳукм чиқараверса, ўз билганича шариатни ўзгартираверса, биттаси ўзини «Акромийлар» деса, биттаси «Ваҳобийлар» деса, шу энди дин бўладими? Аслида Ислом дини бағрида мана шу хил номларнинг пайдо бўлиши мусибатли эмасми?

Бир пайтлар Саудия Арабистонида «динни асл ҳолатига қайтарамиз» деган иддаолар билан чиққан «Ваҳобийлар» мусулмонларнинг бошига кўп мусибатлар олиб келганди. Улар ҳатто тап тортмасдан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қабрини-да текислаб ташлашга журъат қилган эди. Бугун эса, яъни орадан икки аср ўтиб, айнан шу ғоялар сал бошқачароқ либос кийиб «майдон»га чиқди. Улар ўзларини «Акромийлар» деб атамоқдалар. Уларнинг фикрича, ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж сингари амаллар фарз эмас эмиш. То ислом давлати барпо этилмагунча Аллоҳнинг фарзлари мусулмонлардан соқит бўлиб турармиш.

Бу фатволарнинг бирор ҳужжати борми? Агар бор бўлса, наҳотки Ислом дининг ўн тўрт асрлик тарихи давомида ўтган не-не уламолар шу ҳақиқатни англамаган бўлсалар? Наҳотки, улар ҳам адашиб ўтиб кетган бўлса? Нега буни чуқур ўйлаб кўрмаймиз?

Дарҳақиқат, "Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Албатта, энг содиқ калом Аллоҳнинг Китобидир. Энг яхши ҳидоят Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир янги чиққан иш бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир». Шунинг учун ҳам уламоларимиз ҳар доим қилажак ишларини, айтажак фикрларини соф исломий мезонларга солиб кўрганлар. Ҳар бир ишда пайғамбаримизнинг суннатларига, таълимотларига амал қилишга одатланганлар. Мана шу назорат туфайли хаталарнинг олди вақтида олинган.

Хўш, бугун ислом оламида пайдо бўлаётган фирқалар, оқимлар раҳномолари бу каби ҳадисларни ўқимайдиларми? Агар ўқисалар пайғамбаримизнинг бу муборак башоратлари айнан ўзи учун айтилаётганини ҳис қилмайдиларми? Демак, бу борада икки хил хулосага келиш мумкин: ё улар буни ҳис қилмайдилар ёки билиб туриб атайин мусулмонлар ичида ихтилоф чиқаришга интиладилар. Бундан келиб чиқадики, Аллоҳдан ва охиратдан умидвор кишилар ҳар икки шароитда ҳам бундай оқимлардан раҳномалари узоқроқда юрмоқликлари лозим бўлади.

Демак, бугун барча мусулмонлар соғлом эътиқод атрофида бирлашмоқ заруратини англамоқликлари керак. Ҳозир бу йўлда саъй-ҳаракатлар бошланган. Хусусан, сўнгги пайтларда дунёнинг барча мусулмон давлатларида анъанавий ислом тушунчаси пайдо бўлди. Хўш, бу қандай тушунча?

Бу — Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннати саниялари асосида ижтиҳот қилиниб, ўн тўрт асрдан буён мусулмонлар амал қилиб келаётган «Аҳли суннат вал жамоат» мазҳаби атрофида бирлашиш, таълимотларини ўрганиш ва унга амал қилишдир. Ана шундагина Ҳақ арқонига боғланган ҳисобланамиз.

Алиакбар САЙФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Сурхондарё вилояти вакили

Чимён қишлоғидаги сўлим қир-адирларига туташиб кетган "Зилол" сиҳатгоҳи дам олувчилар билан гавжумлашди.

ЁЗНИНГ ҲАМ ЎЗ ГАШТИ БОР

Қарийб 14 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган сиҳатгоҳда бир вақтнинг ўзида юз нафар дам олувчи ҳордиқ чиқариб саломатликларини тиклаш учун керакли бўлган барча шароитлар яратилган. Сиҳатгоҳда асосан олтингугуртли сув, парафин, азотрит ва физиотерапиянинг барча тури ҳамда массаж, игнатерапия, сув ости массажи, айланма душ каби муолажа турларидан кенг фойдаланиб келинади. Бу ерда умуртқа поғонаси, юрак қон томир касалликлари, асаб, гинекология ва тери касалликлари ер қаридан отилиб чиқаётган шифобахш сув ёрдамида даволанади.

"Сиҳат – саломатлик йили"да сиҳатгоҳда дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб ўз саломатликларини тиклаш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар қилинди. Сиҳатгоҳ тўлиқ таъмирдан чиқарилди, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Шунингдек, бу йил "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими тавсиясига кўра ҳар чорақда икки нафар нуроний бепул ҳордиқ чиқаридиган бўлди. Тумандаги 52-умумтаълим мактабини ҳам сиҳатгоҳ ўз оталиғига олди.

САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Ўтган 2004 йили Бухоро вилоятига ташриф буюрган 72 минг 103 нафар сайёҳларга 2 миллиард 87 миллион 728 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Жорий йили бу кўрсаткичнинг сони янада ошиши кутилмоқда.

Жаҳонда шундай шаҳарлар борки, улар иқтисодиётининг асосини туризмдан тушаётган даромадлар ташкил этади. Мамлакатимизнинг қадим шаҳри Бухорони ана шундай шаҳарлар сирасига киритиш мумкин.

Сайёҳлик тармоғига хориж инсвестициясини киритиш вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича 2005 йилга мўлжалланган тадбирлар дастурида белгиланган долзарб вазифалардан бири ҳам ана шуларни ташкил этади. Буни Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан жорий йил бошида ишга туширилган "Семурғ" меҳмонхонаси мажмуаси мисолида кўриш мумкин. Унга 800 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланиб, сайёҳларга бугунги кун талаблари даражасида хизмат кўрсатадиган мажмуага айлантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳисобланган "Шаҳристон вояж" меҳмонхонаси қурилишига ҳам хорижлик ҳамкорлар томонидан 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар киритилди.

Бугунги кунда «Лаби ҳавуз», "Сиёвуш", "Заргарон сервиз", "Акбар", "Музаффар" каби хусусий меҳмонхоналар халқимизнинг қадимий ва миллий анъаналари асосида жиҳозланганлиги, ходимларнинг ўзбекона меҳмондўстлиги билан хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда. Сайёҳлар айрибошлаш бўйича хорижий фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар қилиш мақсадида "Бухоро турист" ҳиссадорлик жамияти билан хусусий сайёҳлик фирмалари вакилларининг Берлин, Пекин, Лондон, Токио ва Тошкентда ўтказилган халқаро туристик ярмаркаларда иштирок этаётганлиги яхши самара бермоқда. Россия, Австралия, Япония ва Исроил каби давлатларнинг авиакомпаниялари билан ҳамкорлик алоқалари туризм тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

ЧАЙКОВСКИЙ КЕЧАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Петр Чайковский таваллудининг 165 йиллигига бағишланган мусиқа кечалари якунланди. Тантаналар дастуридан Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри концерти, «Ўйқудаги малика», «Щелкунчик» ва «Оққуш кўли» балетлари, «Пиковая дама» ҳамда «Евгений Онегин» опералари ўрин олган. Чайковский кечалари Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида салкам бир ой давом этди.

Мазкур мусиқа байрами Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Росзарубежцентр», «Ижодий тажриба» бирлашмаси (Россия), Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Рус маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Бастакор таваллудининг 165 йиллик тўйига бағишланган тантаналар давом этади, — деди Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Мухаметшин. — Кузда Чайковский асарлари Ўзбекистон вилоятлари саҳналарида, шунингдек, Давлат Консерваторияси концерт залида янграйди, — деб таъкидлади элчи.

Одатда одамлар келин олгудек бўлса, ёки қиз узатгудек бўлса куёв ва келин томоннинг авлод аждодини суриштирадилар. Чунки авлоди тоза одам албатта яхши инсон бўлиб етишади.

ШОХИДАМАС БАРГИДА

Авазбек ҳам яхши оилада ўсди, камол топди. Ота-онасининг яратиб берган шароити шарофати билан ўқиди, олий маълумотли, малакали касб эгаси бўлиб етишди. Чунки эндигина ўрта мактабни битирганида ота-онаси:

Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса одоб унинг мевасидир. Одобсиз илм-мевасиз дарахт кабидир, — деб унга ҳаётга йўлланма беришди.

Ота-она ўгитларини қалбига жо қилган Авазбек олий даргоҳда яхши ўқиди. Ҳуқуқшунослик касб сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қилди. Олий маълумот эгаси эканлиги ҳақидаги дипломни олгач, қаерда ишламасин ҳалол бўлишга, адолат юзасидан иш кўришга ҳаракат қилди. Кўпни кўрган устозлари ўгитларига қатъий риоя қилди. Айниқса севимли устозининг: «Энг ақлли киши шундай кишики, давлат ва мартабага эришган пайтда ҳам доимо камтарликни ўзига шиор қилиб оладди ва таъзим-тавозъеда бўлади, сабр-қаноатли бўлади. Бадасл кишилар эса бундай кишининг аксидир. Улар давлат ва мартабага эришди деганларида кеккая бошлайдилар ва мағрурлик кўчасига кириб, ҳеч кимни менсимай қўядилар!»

Ушбу доно гапларни ўзига шиор қилиб олган Авазбек Холматов Оҳангарон шаҳар прокуратурасининг солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига бошлиқ бўлиб келган пайтдаёқ адолат билан йўл тутишга асосий эътиборини қаратди. Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ишбилармон ва тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш, амалдаги қонун-қоидаларни тушунтиришга ҳаракат қилди.

Ўзбек халқи ҳақиқатпарвар, тўғрисўз, яхши билан ёмонни тўғри англайдиган халқ. Аммо айрим ишбилармонлар ҳуқуқий билими пастлиги туфайли қилаётган ножўя хатти-ҳаракати оқибатини англаб етмайдилар. Шу сабабли ҳам аввал уларга ноқонуний иш ташвиш келтиришини яхшилаб тушунтириш лозим. Ана шунда ҳам тўғри йўлга кирмаса, унда айб ўзида. Яъни амалдаги қонунларга мувофиқ жазолаш керак.

Авазбек Холматов худди шундай йўл тутмоқда. Шу сабабли ҳам Оҳангарон шаҳрида унинг обрў-эътибори ошиб боряпти. Иқтисодий жиноятчилик камайиб бормоқда. Давлат хазинасига тушадиган тушумлар кўпаяётир.

Масалан, катта йўл ёқасида жуда кўп хусусий ошхоналар бор. Авазбек эътибор берса, уларнинг айримларида одам кўпу аммо кунлик тушумлар кўнгилдагидек эмас. Авазбек Холматов уларнинг бирида мониторинг ўтказган эди, бир ойлик тушум 26 миллиондан 40 миллион сўмга кўтарилди.

Оҳангарон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимининг Авазбек Холматов бошлиқ ходимлари айниқса иқтисодий жиноятчиликка қарши фаол курашишаётир. Масалан, «ASILBEK BIZNES ELIT» масъулияти чекланган жамият шоввозлари деярли бир ой мобайнида, яъни, турли маҳсулотлар олиб-сотишга 1184,9 миллион сўм пул ўтказиб, мол олгану, банкка бор йўғи 9,99 миллион сўм нақд пул ўтказган, холос. 1174,91 миллион сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаган ва банкка топширмаган.

Ушбу ҳолатни аниқлаган Авазбек Холматов масъулияти чекланган жамият раҳбари Шуҳрат Аллаберганов-га нисбатан ЎзР ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатди.

Энди бу воқеага эътибор беринг. Ҳушёр фуқаро О.Алимов Оҳангарон шаҳридаги савдо дўконларида чет элда ишлаб чиқарилиб акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари кўпайиб кетганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилади.

Ушбу ариза асосида махсус гурух тузилиб, Авазбек Холматов ўз ходимлари билан Холмуҳамедов кўчасидаги 86-уйда жойлашган Д.Қўзибоевага тегишли савдо дўконини, текширишади. Ҳаридор, яъни аризачи дўконга кириб, 20 дона «PINE» сигаретини, 10 дона «Сабрайн» сигаретини сотиб олади. Сигаретлар акциз маркасиз бўлиши билан бир қаторда, сотувчи харидорга назорат касса машинаси чекисиз сигареталарни беради.

Кейинчалик СВОЖККБ ходимлари томонидан дўкондаги тамаки маҳсулотлари кўздан кечирилганда Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан маркаланмаган жами 136080 сўмлик 390 қути, шундан 324 қути «PINE», 10150 сўмлик 26 қути «Золотой лист», 6900 сўмлик 23 қути «WILLS», 900 сўмлик 3 қути «LD» тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланди. Уларни Фарғона вилоятининг Бағдод туманида яшовчи Дилбарой Жумаева олиб келган экан.

Аёллар кўз ёши қилишди. Аммо ноқонуний хатти-ҳаракат яхшиликка олиб келмаслигини кеч бўлсада тушуниб етдилар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, одамлар ножўя иш ташвиш келтиришни билиб қўйишсин. Давлатни, жамиятни, халқни алдаб, бойлик топаман деганлар шохида юрсалар, Авазбек Холматовга ўхшаган фидойилар баргида юришади.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири

ЁШЛАР ОРОМГОҲИ

Ёзги таътил бошланиб, мактаб ўқувчилари дам олиш масканларига аллақачон жўнаб кетишган. Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Ёш авлод" ёшларни соғломлаштириш масканида ҳам 2005 йилнинг биринчи мавсуми бошланди.

Мазкур оромгоҳ юз нафар болага мўлжалланган бўлиб, болалар "Бобурлар", "Темурлар", "Зийраклар" ва "Алпомишлар" деб номланган гуруҳларга бўлинган. Гуруҳ аъзолари ҳар куни спорт ўйинлари, сув ҳавзасида чўмилиш ва бошқа турли хил қизиқарли ўйинларни уюштиришади.

Хуллас "Ёш авлод" соғломлаштириш масканида болалар мириқиб дам олишмоқда.

ОҚ ХАЛАТЛИ НАЖОТКОРЛАР

Тошкент Давлат 2-медицина институти клиникалари Республикамиздаги йирик даволаш маскани ҳисобланади. Бу ерда барча касалликларни аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш каби жараёнлар уйғун тарзда амалга оширилади. Юртимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган беморлар бу ерда ўз дардларига даво топиб, яна ҳаёт нашидасидан баҳраманд бўладилар.

Клиникада нейрохирургия бўлими ҳам бор. 1990 йилда профессор Шаҳоб Ҳамроев томонидан ташкил этилган мазкур бўлим ўн беш йил ичида йирик илмий ва даволаш марказига айланди. Тиббиёт фанлари номзоди Алишер Умаров бошчилигидаги ушбу даргоҳда талабаларга билим бериш, илмий изланишлар олиб бориш беморларни даволаш билан бирга қўшиб олиб борилади. Шу сабабли бу ерда ишлаётганларнинг кўпчилигини ҳам олим, ҳам шифокор, дейиш мумкин.

Одатда бошқа шифохона, клиникаларда даволаш муолажалари кундузи амалга оширилиб, тунда беморлар ҳам, шифокорлар ҳам кўпинча дам олишади. Айрим фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно халос. Аммо клиниканинг нейрохирургия бўлимида кечаю-кундуз тиним йўқ. Чунки "фалокат оёқ остида" деганларидек, ҳаётда кутилмаган пайтда ҳар нарса бўлиши мумкин. Йўл-транспорт ҳодисасими, турмушдаги бахтсизликми, ё касаллик хуружими у бош мияга таллуқли бўлса нейрохирургия бўлими эшиклари исталган пайтда очиқ. Алишер Умаров, Абдурашид Шарипов, Шавкат Маҳкамов, Ортиқали Эрназаров каби қўли гул, меҳри дарё, ҳаётини эл саломатлигига бахшида этган малакали шифокорлар кечаникеча, кундузни-кундуз демай инсон ҳаётини сақлаб қолишга шай турадилар.

Уларнинг матонатли меҳнатлари туфайли беморлар шифо топишаётир. Мана улардан бирининг эътирофи:

— Мен Зангиота туманида истиқомат қиламан, — дейди бемор Салим Расулов. — Тунда машинада кетаётган эдим. Бир пайт қаршимдан келаётган машина узоқни кўрсатувчи чироғини ёқиб, катта тезликда мен томонга ўқдай учиб келди. Четга бурилишга улгуролмай қолдим. Эсимда қолгани икки машина тўқнашувидан чиққан қарсиллаган товуш ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди. Ўша пайтда бош мия суягим синиб, олган қаттиқ жароҳатим натижасида ҳушимдан кетибман. Тошкент давлат 2-медицина институти клиникаси нейрохирургия бўлими жаррохлари ўлимдан асраб қолишди. Уларнинг сидқидилдан қилган малакали муолажалари туфайли ҳаётга қайтдим. Минг раҳмат, оқ халатли нажоткорларга.

Бўлимнинг таклиф ва истаклар китобини варақлаган киши бундай миннатдор дил сўзларини истаганча топиши мумкин. Биз ҳам нейрохирургия бўлимининг барча шифокорларига эл саломатлигининг поспонлари бўлишдек олижаноб, эзгу ишларига омад, ўзларига мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Феруза РИХСИЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили



Суратларда: нейрохирургия бўлими шифокорлари фаолиятидан лавҳалар.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

УЙҚУ АДАБЛАРИ

Ухлаган вақтингизда табиат низомига мувофиқ ухлангиз, юз тубан ёки чалқанча ётманг, бир ёнингиз узра ётингиз. Чунки аввалги икки турлик ётмак қўрқинчли тушлар кўрувга сабаб бўлур.

Уйқу вақтингизни бир қадар одатга солингиз, соат тўққиз ва ниҳоят ўндан қолмай ётиб, соат беш ва ёки олтидан қолмай турингиз. Уйқунгиз комил бўлгандан сўнг ётмангиз ва лозим бўлган уйқунгизни- да, қолдирмангиз. Чунки уйқуни қолдирмоқ ҳазм заифлигини ва ақл хасталикларини ва охирида жунунлик пайдо этади.

Уйқу вақти кексаларга беш ва ўттиз ёшдан юқори бўлганларга олти соат бўлмоқ узра тақдир этилур.

Ухлаган вақтингизда устингизга бир нарса ёпиб, совуқдан сақланингиз ва ҳаво эсиб турган ерларда ва нам ўринларда ётмангиз, деразаларни очиқ қолдирмангиз.

Зарурут бўлмаганида бир хонада жуда кўп ухламангиз, ухлаган ерингизда чечагу, гуллар бўлдирмангиз. Қайғули ва ёки шодлик вақтларингизда ухламангиз.

Ухлаганингизда тор кийимларингизни ечингиз, қисган ерларни бўшатиб қон юрувга монелик қилмас равишда этингиз. Ухлашингиздан илк ва сўнг ётоқхоналарингизнинг деразаларини очиб ҳавосини янгилангиз.

"ЭРТАЛАБКИ УЙҚУ РИЗҚНИ ҚИРҚАДИ"

(Ҳадисдан)

Субҳ уйқусидин улки айлар тарк,
Ризқу-рўзин ўзига туш кўргай.
Улки ғафлатдин этди назми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кўргай.

Ҳадис аввало эрта тонгда туришнинг инсон учун хосияти ва афзаллигини тарғиб қилади. Умуман, мусулмон аҳли учун эрталаб, қуёш чиқмасдан ўриндан туриш одат тусига кирган, эртанги бомдод намози бу иш учун ягона восита ҳисобланади.

Эрта тонгда уйғониш, мусаффо ҳаво бағрида юриш, сайр қилиш, ишлаш кўпчилик кишиларимизнинг одати эканлиги ҳаммага маълум. Шундай ривоятлар ҳам мавжудки, қуёш чиқмасдан олдин, ўриндан туриб меҳнат қилишга ўрганган кишиларнинг ризқ-рўзи доимо фаровон бўлади ва аксинча қуёш чиққанда ҳам ухлаб, ғафлатда ётганларнинг ризқ-рўзи кесилади ёки улар тил билан айтганда, ўликлар қаторига қўшилади. Яна шундай нақл борки, унда "Эрталаб туринг, ризқ-рўзингиз фаровон бўлади ва ўлимингиз ўз вақти соатида келади"...

САЙР ҚИЛИШ ҚОИДАСИ

Киши сайр этиш ёки вақтини хушлаш учун гулзорлардан, ям-яшил боғлардан, кўм-кўк майсазорлардан ўзга жойга бормайди. Сайрга чиққанда қуйидаги етти қоидага риоя қилгин:

Биринчи: сайрда сенга туҳмат қилиши мумкин бўлган киши билан ҳамроҳ бўлма;

Иккинчи: ўзганинг боғи ёки гулзорига рухсатсиз кирма;

Учинчи: сокин ва хилват жойларга эҳтиёж туғилгандагина бор;

Тўртинчи: Кишилар кўз олдида ечинма;

Бешинчи: нотаниш кишилар билан зарурат туғилмаса гаплашма;

Олтинчи: ҳар бир кишини юксак руҳ эгаси деб ҳис қил;

Еттинчи: албатта, ўз уйингга қайтиб тунагин.

РИВОЯТ

Буюк аллома Абурайҳон Беруний ҳақида шундай ривоят бор: Олим ўлим тўшагида ётганида ҳузурига шогирдларидан бири кирибди.

Билибдики, устозининг саноқли дақиқалари қолибди. Кутилмаганда устоз фиқҳ (ҳуқуқшунослик)га оид бир масалани шарҳлаб беришини сўрабди. Бу анча чигал масала экан. Шогирд унинг қийналишини истамабди. "Аввал соғайиб олинг, кейин бир гап бўлар, ҳозир шу муаммони билишингиз шартми?" — дебди. Беруний ҳазил қилибди. "Биламан аҳволим оғир, аммо кетадиган бўлсам, шу нарсани билмасдан кетгандан кўра билиб кетганим яхшида!" дебди. Шогирд Беруниийнинг ҳузуридан чиқиб эллик қадам юрар-юрмас, чопар келиб аллома ҳаётдан кўз юмганини айтибди...

— «Адолат» бизнинг севимли газетамиз. Сизнингчи?
Айни пайтда йилнинг иккинчи ярмига газетага обуна давом этмоқда.
«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи — 100.
«Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«Адолат» бонг уради



Каттақўрғон туманида икки юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Лекин, аҳолиси кўп ана шу туманда маданий дам олиш учун шарт-шароит йўқ.

НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН КОШОНА

Каттақўрғон туман ҳокимлиги нега унга эътибор бермаяпти?

Туман марказидан атиги икки километр узоқда жойлашган Орзи Маҳмудов номли ширкат хўжалигининг ҳашаматли клуби бор. Икки йилдирки ана шу клуб ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ушбу бинони туманнинг санъат саройига айлантириш ҳақида туман ҳокимлигига бўлимимиз, ҳатто вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси раҳбарияти томонидан ёзма равишда мурожаат қилинди. Бироқ, туман ҳокими Пирмамат Ўсаров хатимизга эътибор ҳам бермади. Гап шундаки, бу клубни ўз ҳолиға ташлаб қўйганлигини кўрган кишининг юраги ачишади. Негаки, у қаровсизликдан кундан-кунга ишдан чиқяпти. Назорат йўқлигидан алла кимлар томонидан иситкичлар, эшик ва деразалар ўғирлаб кетилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Каттақўрғон тумани юксак маданият, маънавият ва санъат даргоҳи. Бугунги кунда халқимизнинг маънавий ва маданий озуқа олиши учун туманнинг биронта жойида шарт-шароит яратилмаган. Орзи Маҳмудов номли ширкат хўжалигидаги ҳашаматли клуб қайта таъмирдан чиқарилса барча шарт-шароит муҳайё бўлади. Негаки, ана шу бинода олти юз томошабин сиғадиган муҳташам зал, Каттақўрғон тарихий музейини яратадиган кенг ёруғ хона, санъаткорлар учун машғулот ўтказиладиган, китобхонлар учун мутоала қиладиган хоналар мавжуд. Гап шундаки, Орзи Маҳмудов ширкат хўжалигида раҳбарлар йилдан-йил тез-тез алмашмоқда. Лекин, уларнинг бирортаси ҳам халқимизнинг маданий дам олиши учун астойдил жон қуйдиришмади. Қайтага клуб ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан ҳувиллаб қолди.

Юқоридаги ачиниш билан айтилаётган эътирозлар фақат менинг фикрим эмас. Туманнинг етти ёшидан етмиш ёшигача ана шу бинони санъат саройига айлантириш ҳақида қайғуриб гапиришмоқда. Агар туман ҳокимлиги томонидан ушбу бино қайта таъмирланиб, кўркам ва муҳташам саройга айлантирилса, ҳеч шубҳа йўқки обод санъат масканига айланади. Бино атрофидаги майдонлар ҳам ташлаб қўйилганлигидан ичимиз ачиб, ўзимизнинг ташаббусимиз билан эрта баҳордан гул ниҳоллари ўтказдик. Ҳозирги кунда ана шу майдондаги ниҳолларни парвариш қилишга киришганмиз.

Ўйлайманки, ушбу мақоламни ўқигач мутасадди раҳбарлар тўғри хулоса чиқаришиб назардан четда қолган ана шу бинони санъат саройига айлантириш юзасидан астойдил жон қуйдирадилар ва халқимизнинг талаб-истакларини амалга оширадилар.

Умарали МАМАТОВ,
Каттақўрғон туман маданият ва спорт ишлари бўлими инспектори

Суратларда: клубнинг бугунги нохуш кўриниши

ЗАРАФШОНДА ҚИРҚ ЙИЛЛИК ШОДИЁНА

Зарафшон шаҳрига кираверишингиз билан гўзаллик ва озодалик дилингизни равшан қилади. Олтинтопарларни шарафловчи шиорларни, Юртбошимизнинг суратдаги очиқ ва меҳрли чеҳраларини кўриб кўнглингиз ажиб бир ифтихорга тўлади. Шу азиз Ватан барчамизники, дея беихтиёр шивирлайсиз. Миннатдор одамларни кўриб кўнглингиз ўсади.

Қувончли ютуқлар, зафарли одимлар, бетакрор афсонавий гўзал биноларни кўриб руҳланасан, киши. Буларнинг бари истиқлолимиз неъматлари эканлиги қалбларни ғурурлантиради.

Ҳа, Зарафшон ҳар томонлама юксак чўққиларга эришаётган шаҳардир. 60 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу мўжазгина шаҳарчада 28 миллат вакиллари бир оила бўлиб аҳил, иноқликда меҳнат қилишмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга улкан ҳисса қўшаётган бугунги Зарафшон олтин қазиб олиш мажмуаси, Мурунтов кони, ранг-баранг трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқараётган "Агама" трикотаж фабрикаси, "Зарафшон-Ньюмон" Ўзбекистон- Америка қўшма корхонаси, тилла заводи, фосфор ишлаб чиқариш, турли қимматбаҳо рудалар, тошлар қазиб олиш саноатининг кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги билан жаҳонга машҳур.

Зарафшондаги юқоридаги барча хайрли иншоотларни бунёд этишда фидокорлик кўрсатган яна бир асосий ташкилот бор: у бундан қирқ йил олдин қақроқ чўлда ташкил этилган Зарафшон қурилиш бошқармасидир. Қизилқумда бунёд этилган ҳар бир бино, ҳар бир мактаб, болалар боғчаси, шифохона, маъмурий иншоотларнинг қурилишида мазкур ташкилот жамоасининг хизмати бор. Қўли гул қурувчиларни шонли қирқ йиллик юбилей билан юксак мартабали меҳмонлардан тортиб, токи мактаб ўқувчиси, боғча тарбиячисигача барча-барча миннатдор қутладик. Республикамиздаги энг йирик ва қудратли қурилиш бирлашмаси сифатида танилган Зарафшон қурилиш бошқармаси Ўзбекистонимизнинг гуллабяшнашига муносиб ҳисса қўшаверади.

Маруса ХОСИЛОВА

ЯНГИ ТИББИЙ МАРКАЗ

Тошкентнинг Учтепа туманида янги тиббий марказ иш бошлади.

"Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурида аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун тизимга янги технологияларни татбиқ этиш билан бир қаторда шифокорлар малакасини ошириш муҳимлиги таъкидланган. Бу борада жойларда ташкил этилаётган тиббий марказлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Пойтахтнинг Учтепа туманида 228 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу туманда йирик шифохоналар, қатор оилавий поликлиникалар самарали фаолият кўрсатиб турибди. Аммо беморларни ўзига хос анъанавий усулда даволайдиган янги тиббий марказнинг ишга туширилиши ҳамюртларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар, мазкур муассаса нафақат пойтахтимиз балки республикамиз аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга эканлигини эътироф этишди. Бу ерда бир ойда минг нафарга яқин бемор даволаниш имкониятига эга.

Марказнинг бошқа марказлардан фарқи, ташхис қўйиш, даволаш ҳам Хитой, ҳам Европа усулида замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади.Марказ қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг иккита кафедраси ҳам иш олиб боради.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

ҒОЛИБЛАР СИНГАПУРГА БОРАДИ

Бухорода компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг минтақавий саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёшларимизнинг ақлий салоҳиятини ошириб боришда мана учинчи йилдирки Республикамизда компьютер ўйинлари бўйича чемпионат ўтказиб келинмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, саралаш турнирларида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси иштирок эта олади. Ташкилий қўмитанинг дастлабки кўрсаткичига кўра чемпионатнинг саралаш турнирларида бу йил уч минг нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашди. Бухоролик ёшлар ҳам ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этиб, финалга йўлланма олишди. "Camsun elektroniks" компанияси ва "Infokom UZ" журналининг ҳомийлигида ташкил этилган чемпионатда ғолиб бўлган ёшларнинг саккиз нафари жорий йилнинг ноябр ойида Сингапурда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Сингапурдаги чемпионатда 70 мамлакатдан гримерлар қатнашади.

Чемпионатнинг минтақавий саралаш турнирлари Самарқанд, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилган.

БОЙСУНДА ЯНГИ БОЗОР

Шарқда бозор азалдан маъмурчилик, қут-барака, тўкинлик рамзи бўлиб келган. Яқинда тадбиркорлар кўмагида тоғли Бойсун аҳлига қайтадан бунёд этилган замонавий бозор фойдаланишга топширилди.

Катта бунёдкорлик ишлари олти етти ойда поёнига етказилди. Савдо хизмат кўрсатиш ва ҳунармандлар учун қирқдан ортиқ дўкон ва савдо расталари қурилди. Чор атрофдаги бу каби дўконлар "Нуроний" чойхонаси билан уйғунлашиб бир бутун меъморий мажмуани ташкил этди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар режадаги ишни биринчи босқичидир. Яқин кунларда ёпиқ бозорда ҳам шу каби бунёдкорлик ишлари давом эттирилади. Энг муҳими қайта бунёд этилган Бойсун бозори ташқи кўриниши, меъморий ечимлари ва яратилган шароитлари билан мақташга арзигуликдир. Энг қувонарлиси, мазкур бозорда уч юз нафарга яқин киши иш билан таминланди.

"Туркистон-пресс"

БАРЧИНОЙЛАР ЧИРЧИҚДА УЧРАШДИЛАР

Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида Республика аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди. "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури асосида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ва бошқа бир қатор жамғарма ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигида уюштирилган мазкур нуфузли мусобақада 400 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Икки кун давом этган ушбу спартакиадада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган турли корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган спорт ихлосмандлари волейбол, шоҳмот, стол тенниси, енгил атлетика, шашка, сузиш, арқон тортиш турлари бўйича ўзаро баҳс юритдилар.

Мамлакатимизда аёллар иштирокида ўтадиган мусобақалар талайгина. Бироқ профессионал спортчи бўлмаган, айни пайтда юртимизнинг турли корхона, ташкилот, муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар, қолаверса, уй бекалари ўртасида бундай йирик спорт анжумани илк маротаба эўр муваффақият билан уюштирилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Юртимиз аёлларининг юксак руҳияти, жисмоний ва ақлий салоҳияти, ҳаётсевар кайфиятини янада кенгроқ намойиш этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини ошириш, энг муҳими, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилувчи Республика аёллар спартакиадаси қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бундай йирик мусобақада биринчи маротаба қатнашишим, — дейди Сурхондарё вилояти волейболчиларидан бири Нурхон Ибрагимова. — Уйга катта таассуротлар билан қайтаяпман. Мусобақаларда Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари вакилларини енгиб финалга чиқдик. Фақат ҳал қилувчи учрашувда пойтахтликлардан енгилдик. Гарчи, спартакиаданинг кумуш медалига сазовор бўлган бўлсак-да, жамоадошларимнинг руҳлари тетик, кайфиятлари аъло. Кўлга киритган ғалабамиз бизни спортга янада ошно қилди. Агар киши жисмоний тарбия ва спорт билан астойдил шуғулланса, соғлом ва бакувват бўлиши шубҳасиз.

Туман ва вилоят босқичларида саралланган мамлакатимизнинг энг чаққон, энг иқтидорли ҳамда серғайрат хотин-қизлари ўртасида кечган муросасиз ва кескин баҳслар юртимиз аёллари ўртасида ҳам спортга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини кўрсатиб берди. Афсонавий Тўмарису заковатли Барчиной авлодлари мусобақасида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, пойтахт вилояти ҳамда фарғоналик хотин-қизлар кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. Гарчи, спартакиада охирида ғолиблар номи расман эълон қилинган бўлса-да, ҳеч ким мағлубиятга учрамади. Мусобақалар ташкилотчилари иштирокчиларнинг барчасини совғасаломлар билан сийлашни унутишмади. Чирчиқда учрашиб, беллашиб ва дўстлашган мамлакатимиз спортчи аёллари ўз оилаларига олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

Абдунаим БОЗОРОВ.
Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Спорт



ФЕСТИВАЛ

Қорақалпоғистон Республикасида коллеж, лицей, умум таълим ўрта мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ёз-2005" спорт фестивали бўлиб ўтди.

Нукус шаҳрида ўтказилган спорт мусобақа ўзига хос тарзда ўтказилди. Уч босқичдан иборат бўлган беллашувда ўқувчи ёшларнинг футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика ва қўл тўпи йўналишларида қай даражада маҳоратга эга эканликларини тўла қонли равишда намоён бўлди. Волейбол ва баскетбол бўйича ўзаро куч синашган командалар мусобақанинг ҳар бир босқичида ўзига хос катта маҳорат ва тажрибага эга эканликларини яна бир карра кўрсатди. Тўрт кун давомида талаба ва ўқувчилар ҳар бир йўналишда ғолибликни қўлга киритиш учун ҳаракат қилишди. Мусобақада Нукус шаҳри, Шуманай, Беруний ҳамда Нукус туманидан келган ёшлар ғолиб бўлишди. Уларга медал ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖУРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобокул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Ўткир ЖУРАЕВ, Бобокатта ШОДИЕВ, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
телефонлар:
Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сиёсат ва партия ҳаёти — 136-55-96.
Хатлар бўлими — 136-55-64.
Маънавият, адабиёт ва санъат-136-55-64

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Адади — 1925. Буюртма Г— 500. Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Саҳифаловчи — Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди — 20.00

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.